

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!**



*Ҳар қайдан топарсан, бир бурда нонни,  
Қайда бор бундай юрт, садқа қил жонни.  
Бағринга маҳкам бос Ўзбекистонни —  
Ватан топилмайди, макон топилар!*

Муҳаммад РАҲМОН

Патилахон Эргашева,  
Ўзбекистон Қаҳрамони:

### **"МУСТАҚИЛЛИК БАХТ БЕРДИ МЕНГА"**

Патила опага кўнгироқ қилиб, у киши билан суҳбатлашни ниятида йўлга тушаётганимизни айтдик. «Ҳозир даладаман, катта ариқда сув кўнайиб кетибди. Кулоқбошини тўсиб келмасам, тунда сув тўғони уриб юбориб, гўзаларим нобуд бўлиши мумкин. Икки-уч соатларда уйга қайтаман, келаверинг», деди. Довон ошиб, Бувайдага етиб борганимизча анча кеч тушиб қолди. Аммо Шўртепа қишлоғига киришимиз биланоқ кўнглимизга ажиб бир ёруғлик инди. Йўлнинг икки четида бир текис бўлиб гуркираб кўкка бўй чўзган тераклар бу ерда Патила опа каби меҳнаткаш одамлар яшагани таъкидлаб турарди гўё.

— Туманимизда эришилаётган бетимсол ютуқлар, янгилашиллар, бунёдкорлик ишларида аёлларнинг ҳам ҳиссаси катта, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси **Мохира Хўжаева биз билан суҳбатда.** — Мисол тариқасида айтсам, ўн иккита кишлоқ фуқаролар йиғинидан тўрттасида аёл раҳбар фаолият юритаёпти. Яқинда бўлиб ўтган сайловларда шу пайтгача маслаҳатчи бўлиб ишлаб келаётган аёлларимиздан бир нечаси маҳалла раиси этиб сайлангани ҳам уларга ишонч ортиб бораётганидан дарак беради. Йигирма тўртта кишлоқ врачлик пунктининг йигирмата-сини аёл раҳбарлар бошқараяпти. Иктидорли кизларимиздан уч нафарининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби экани бизни янада қувонтиради. Аёлларимиз жамиятда ҳам, оилада ҳам посангини бирдек ушлай олаётгани таҳсинга лойиқ.

Дарҳақиқат, суҳбатдошимизнинг "Ҳаётда икки нарсаси бор, кўпчилик қадрига етмайди. Бир — соғлиқ, иккинчиси — вақт. Туманимизда бу тушунчаларнинг ҳар икковини ҳам қадрлайдиган одамлар яшайди. Ўзлари билан суҳбатлашсангиз,



бунга амин бўласиз", деганича бор экан. "Тадбиркор аёл" уюшмасининг туман бўлими раиси Дилбар опа Айнекованинг номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Боиси, ишбилармон опа келинлари қўлидан чой ичиб, невараларига ғамҳўрлик қилиб ўтирадиган ёшга етган бўлса-да, тиниб-тинчимайди. Раҳбардаги гайрат-шижоат бошқаларга ҳам кўчади, албатта. Дилбар опа идорада ўтириб ишлашни ёқтирмайдиганлар хилдан экан. Кўча-кўйда, маҳалланинг тўй-маъракасида, тадбиркорликни бошлаган аёлни учратиб қолса, дардин тинглаб, ўша заҳоти муаммосини ҳал қилиб кетаверади. Янги иши учун банкдан кредит ололдим, қурилажак бино учун ер ажратилдим — ҳаммасининг хисобини сўрайди. Унинг саёй-ҳаракати, тиниб-тинчимаслиги боис ортидан эргашаётган 160 нафар тадбиркор аёллар сафи кун сайин кенгайиб бораётир.

— Ҳаётининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланадиган аёлларни ҳурмат қиламан, — дейди "Тадбиркор аёл" уюшмасининг туман бўлими раиси **Дилбар опа Айнекова.** — Шундай хотин-қизларга қанча ёрдам берсам, ўзимни шунча хотиржам ҳис қиламан. Ҳамкасб-

**Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Тошкент вилоятининг Қибрай туманига йўлимиз тушди. Тўрт томони боғу роғ, кўчалари чиройли гуллар билан тўла бу гўшага келган ҳар қандай инсоннинг дилида эзгу умидлар уйғонади.**



ни, уйда бўш қолгани ёки ўқиш, иш билан бандлигини аниқлаш вазифасини топширдик. Уларнинг идорада ўтириб, ҳисобот ёзиб келишларига йўл кўймаймиз. Ҳар бир

учрашувлар ташкил этиб туриларкан. Янги ўқув йили бошида ўтказиш мўлжалланаётган ана шундай ишлар режасини, мавзулар доирасини кўриб, очиги, қувондик. Айниқса, тадбирларнинг ташкил этишда маҳалла фаоллари ва маслаҳатчиларининг яқин ҳамкорлиги таҳсинга лойиқ.

— Йигирма беш йилдан буён маҳаллада фаолият юритаман, — дейди **Қипчоқ кишлоқ фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Фотима Орипо-**

## ИБРАТЛИ УМР ЙЎЛЛАРИ ёхуд қибрайлик хотин-қизлар фаолиятига бир назар

римизнинг ўз устларида ишлаши, изланишлари учун қўлдан келган ёрдамимизни аямаймиз. Яқинда интернет оламида махсус сайт очиб, туман тадбиркор аёлларининг чет эллик ишбилармонлар билан ҳам ҳамкорлик қилиши учун имконият яратдик.

Суҳбатдошимиз Дилбар опа яқинда Наргиза Назарова 11 та йўналиш бўйича ёшларга касб-хунар ўргатадиган ўқув маркази очганини фахр билан сўзлаб берди. "Сенфер университет" ишлаб чиқариш кор-

рини ота-оналар билан жонли мулоқот юритишга ундаймиз. Қолаверса, таълим муассасаси — оила — маҳалла ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида ҳам бир қатор ишлар олиб бораёпмиз.

Дарҳақиқат, туманда бўлганимизда маҳалла гузарларидаги компьютер хоналарини тўлдириб ўтирган ёшларга кўзимиз тушмади. Бизнингча, компьютер ўйнашга уларнинг вақти бўлмаса керак. Шу маънода болаларни илму хунардан чалғитиб, мўмай даромад топлмоқчи бўлган ишбилармонларнинг омади чопмаган-ов. Ахир, туманда ёшларнинг билим олиши, хунар эгаллашга катта эътибор қаратилади, ҳеч бир бола назоратсиз қолмайди.

ва. — Маҳалладошларим "Тез ёрдам"нинг телефон рақамини билишмаса ҳам, менинг қўл телефоним рақамини ёддан айтиб бера оlishади. Оиласида бирор муаммо чиқса, қўнғирок қилиб



чақиришади, маслаҳат сўрашади. Яқинда касал бўлиб, иккинчи кун ётиб қолдим. Бир келинимиз турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, ота уйига кетиб юборган экан. Қайнониси икки ёшни яраштириб беришимни илтимос қилиб келди. Бормай десам, бир оила пароканда бўлиш арафасида турибди, бора-й десам, аҳволим оғир. Жонсарак бўлиб турганимни кўрган эрим: "Туринг, онаси, сиз "женсовет" бўлиб, мен "мужсовет" бўлиб борамиз", деб ўзи бирга олиб борди. Икковлашиб ёшларни яраштириб, келинни уйига қайтариб келдик...

Ҳа, маҳалла том маънода тарбия бешигидир. Ахир, табиб табиб эмас, бусидан ўтган табиб, деган пурмаъно гап ҳам бор халқимизда. Ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотган нуроний отахону онахонларимиз биз учун бамисоли бир ёмби десак адашмаймиз. Олти беш ёшга кирса-да, ҳамон маҳалланинг "виждон"и бўлиб келаётган Мехрибон аядан ўзига хос ишлаш услуби ҳақида сўраганимизда қулиб-қулиб гапириб берди:

— Ўзим хоразмликман. Отанамнинг ёлғиз қизи бўлганман, — дейди **Унқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мехрибон Тожиёва.** — Қибрайга узатилганим учун онам роса

қуонган. Озгина қийналиб қолганимни эшитса: "Болам, Хоразмга қайтиб кел, бағримда қийналмай яшайсан", деб "йўлдан уриш"га ҳаракат қиларди. Тўғри, онами тушунаман, қийналмай яшашимни истарди. Аммо мен учун оила ана ўша муаммоларга етишмовчиликка бўлгани учун ҳам қадрли эканини ўқигиша тушунтиролмай қийналардим. Ҳеч бир оила ўз-ўзидан мустаҳкамланиб, фаровонлашиб қолмайди, ахир. Худога шукр, тўрт ўғлим бор. Ҳаммаси бахтли-содатли. Оиласидан, қайнона-қайнотасидан нолийдиган ёшларга ўз ҳаётимни сўзлаб бераман. Йиғлаб келган келинчалар қулиб чиқиб кетади. Бугунги ёшлар омон-омон замонд, яшаяпти. Уларда шукроналиқдан бошқа ҳамма нарсаси етарли.

Қибрайнинг фидоий, жонкуяр аёллари ҳақида қанча кўп гапирсак, шунча оз. Уларнинг ҳар бири катта-катта китобларга қаҳрамон бўлишга арзигулик. Шундай аёллардан бири, "Мадад" шўба корхонаси раҳбари Дилноза Шерматовна 10 м. сўмлик кредит билан бошлаган тадбиркорлик тезда ўз самарасини берди, 48 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Комила опа Тиллабоевнинг оилавий пудрат асосида балиқчилик бўйича олиб бораётган ишлар ҳам ибратли. Аввалига "Эплай олармиканми?" дея бироз чўчиши

гани рост. Аммо кўп ўтмай, мамлакатимизда меҳнат қилган одам кам бўлмаслигига ишонч ҳосил қилишди. 2009 йили бешта сунъий ховузга ташланган балиқ чавақчаларининг ҳар бири етти ой деганда 1,5–2 килограммгача тош боша бошлади.

Қибрай тумани кўчаларида бекор юрган одамни учратмай-сиз. Ёшу қари, аёлу эркак — барча аниқ мақсад йўлида ошиқадди, бахту қамолни меҳнатдан излаб яшайди. Ҳатто ёш болалар ҳам тезроқ отасининг ёнига кириб, эл қори учун нимадир қилишга интилади... Унқўрғон маҳалласидан ўтарканми, бир томорқада тўрт-беш ёшлардаги болақайнинг ўзидан икки баробар катта кетмонни кўтариб, отасига тақдидан ер чопётганини кўрдик. Ҳа, унинг мурғак қалбини шу ёшдаёқ болаларга муносиб авлод бўлиши ҳисси ўртаётгани аниқ. Ҳали бу кетмон қалам ёки клавиатурага айланиб, чарм қўлоқ ёки ракетка билан алмашиб, фарзандларимиз эртага илм-фан, санъат ва спорт бўйича жаҳон шохсупаларини янада кўпроқ вабт этиши шубҳасиз. Зотан, ўзбек оналари ўз болаларини ана шу ниятда тарбиялайдилар.

**Нигора РАҲМОНОВА,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.



— Ўқув даргоҳимизда асосан қизлар таълим олади, — дейди **Тошкент вилояти педагогика коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Наргиза Одилхонова.** — Ўтган йили битирган 356 нафар ўқувчимиздан 40 фоизи иш билан таъминланди. 20 дан ортиғи олий ўқув юртига қабул қилинди. Ёшларимизнинг маънавиятини, ахлоқий тарбиясини ошириш мақсадида маънавий соатлари, оилага тайёрлов курслари мунтазам ишлаб турибди.

Коллежда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун мутахассислар билан ҳамкорликда турли тадбирлар,

қаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова: Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Ф. Абдурахимова, Чилонзор туман ҳокими Х. Маҳкамоллар қатнашди. Кўرғазма-савдосида тадбиркорлик, хунарманлик, ва касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ҳамда тадбиркорликка ўқувли ўй бекалари ўзлари яратган маҳсулотлари билан иштирок этишди.

**Ш.АСРОНОВА**

## КЎРҒАЗМА САВДОСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамкорлигида "Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шиори остида "Қўли гулдир ўзбек аёли..." кўрғазма-савдоси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республи-

## БАЙРАМ СОВФАСИ

"Меҳр нури" хайрия жамғармаси ташаббуси билан ҳомийлар томонидан тўлиқ таъмирдан чиқарилган пойтахтимизнинг Мирзо Уллубек туманидаги 5-шаҳар клиник шифохонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги лойиҳага кўра, 20 ўринли чақалоқлар, 70 ўринли мuddатидан аввал туғилган болалар патологияси ва уларни парвартириш 40 ўринли оналарни соғломлаштириш ва 6 кишилик реанимация ва тезкор терапия бўлимлилари ҳамда дори-хона, қабулхона, биокимёвий лаборатория ва бошқа хоналар замонавий услубда капитал таъмирдан чиқарилди.

**Барно МИРЗААХМЕДОВА**

(Давоми. Боши 1-бтда.)

Бизни қаҳрамон фермернинг келини Салимаҳон кутиб олди. Ҳатто кишлоқ аёллари ҳам ҳовли-томорқа, уй-рўзгор ишларидан тиниб, телеэкран қарши-сида ўтирадиган бир пайтда Патилахон опа ҳамон далада сув кечиб юрган экан. Кўп ўтмай ўзлари шошилиб келиб қолди. Неваралари дарров атрофини қуршаб олганча, бири бувисининг этигини чаққонлик билан тортар, бири нозик кўлчалари билан бошини уқалар, яна бири эса аччиққина чой куйиб узатарди.

— Нега Патила опа ҳеч толикмайди, десак, сирингиз бу ёқда экан-да! Шундай меҳрибончиликлардан кейин ҳар қандай одамнинг ҳам чарчоғи чиқиб кетади, — гурунги ҳазиломуз савол билан бошлади.

— Э, синглим-а, нимасини айтасиз, булар — менинг кувончларим, суюнган тоғларим. Ҳар бири ўзгача дунё. Тонг отди дегунча, даладаги гўзаларимни кўришга шошилсам, кеч тушгач, мана шу невараларим дийдорига ошиқаман.

— Эртаю кеч даладасиз. Фарзанд ва невараларингиз учун қачон вақт ажратасиз?

— Деҳқон учун аёзу ёзининг фарқи йўқ. Бир кун далага бормасам, нимаиндир йўқотгандек бўлиб қоламан. Аммо шу йил қишда ўн беш кунча уйда ўтиришга мажбур бўлдим. Келиним Салимаҳон қорда сирпаниб кетиб, йиқилиб тушди. Шифокорлар «Оёгини бироз вақт авайлаб, ҳаракат қилмай турсин», дегани учун уни кўп уринтирмадим. Ўзим сигир соғдим, тандирда нон ёпиб, невараларимга овқат пишириб бердим. Шунда Сарвинозим: «Буви, ана энди ҳақиқий бувиюнга ўхшадингиз», дегани хурсанд бўлиб.

— Невараларингиз орасида ҳам фермерликка қизиқадиганлари борми?

— Халилуллоҳ билан Жаҳонгиримда деҳқончиликка иштиёқ кучли. Мактабдан келиб, дарсларини тайёрлаб, дарров менинг ёнимга югуришади. Йил-терим пайтида ишчилар билан баравар меҳнат қилишади. Тажрибаларини уларга ўргатиб бораёлман.

— Эшитишимизча, келинингиз Салимаҳон уйда ёрдамчингиз, далада котибанингиз экан?

— Барака топсин шу қизим,


ҳам рўзгор, ҳам дала ишини кўнглимдагидек уддалаб келаяпти. Эрталаб мендан олдин иш кийимларини кийиб, тайёр бўлиб туради. Одамлар ҳали уйдан чиқмасидан қайнона-келин пайкаллари айланамиз. Қаерга сув керак, қаерга ўғит, зараркунанда ҳашаротлардан қутулиш йўллари — ҳаммасини обдон ўрганиб, нималар қилиш

тирилган. Йиллар давомида тўплаган тажрибаларимни омма-лаштириб, ҳамкасбларим билан елкама-елка бамаслаҳат ишлаб келаялман.

— Кўпни кўрган, тажрибали инсонлар кўмагисиз бундай даражага етишиб бўлмайди, албатта. Сизга деҳқончилик соҳасида ким устозлик қилган?

**Патилахон Эргашева,  
Ўзбекистон Қаҳрамони:**

## “МУСТАҚИЛЛИК БАХТ БЕРДИ МЕНГА”



кераклиги ҳақида маслаҳат бераман.

— Фермерликни қачондан бошлагансиз, ўзи?

— Истиклолимиз менга ўхшаган минглаб деҳқонларга ўзининг кадрдон ерига эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Шу имкониятдан фойдаланиб, «Патилахон» фермер хўжалигини ташкил қилдим. 30 нафар ишчи бир ёқадан бош чиқариб, 69 гектар ерда гўза ва галладан мўл-ҳосил олиш учун тинмай меҳнат қиламиз. Шартномавий режани узлуксиз равишда ортиғи билан бажариб келаяпмиз. 2009 йили ҳосилдорлик пахтадан ҳам, галладан ҳам ҳар гектарига 50 центнердан тўғри келди. 2010 йили галла ҳосилдорлиги 60 центнерга етди. Хўжалигимиз кўпроқ уруғ етиштиришга ихтисослаш-

— Дадам Гофуржон Асроқулов (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) бригадирчилик қилиб, бутун умри далада ўтган. У киши дастурхон атрофида ўтирганимизда ҳам нуқул пахта, галладан сўзлар, «Улар худди болага ўхшайди» деган гапни тез-тез такрорларди. Дадам ерга чинакам меҳр қўйганди, ҳар йили мўл ҳосил оларди. Ўша пайтларда ҳам ёш бўлишимга қарамай, мактабдан келиб дастурхонга нон, чой, помидор тугардим-да, далага отланардим. Аям раҳматли «200 кило пахта териб, тарозига қўйиб, кейин сени туққани кетганман», деб куларди. Бошқа болалар шийпонда, боғча опалари ёнида қолишса, мен «Далага бораман», деб онамининг оёғига ёпишиб оларканман. У киши ҳам оддий кишлоқ аёли

бўлса-да, шеърият шайдоси эди. Нодирабегим, Бобур мирзо газалларини ёддан айтганларидан ҳаммаимиз ҳайрон қолардик. Раҳматли ота-онамдан жуда кўп ҳаёт сабоқларини ўрганганман.

— Патила опа, сизни яқиндан билганларнинг айтишича, бир пайтлар фарзандларингизга бир ўзингиз ҳам оталик, ҳам оналик қилган экансиз?

— У кунларни эсласам, энди эртаткака ўхшайди. 1968 йили

раҳматли турмуш ўртоғим Шерқўзи ака билан оила қурдик. Биргалашиб рўзгор аравасини тортиб, уй-жой қилдик. Аммо тақдирни қарангки, олти йил яшаганимиздан сўнг умр йўлдошим касаллик туфайли оламдан ўтди. Қисқагина бўлса-да, аммо жуда мазмунли ҳаёт кечирдик. У кишидан айрилгач, бир ўғил, икки қизим билан ота ўзимга қайтиб келдим. Мана шу ҳовлида бир пайтлар 24 жон яшаганмиз. Отам, ака-укаларим менга қанот бўлишди. Уларнинг ёрдами билан фарзандларимни ўқитдим, оёққа тургазимди. Қисматнинг синовларини қарангки, қизим Маҳбуба ҳам қутилмаганда оғир касалликка чалиниб, дунёдан ўтиб қолди. Бир шар набирам Жаҳонгирни келиним Салимаҳон бағрига олди, болалари қаторида оқ сут бериб катта қилди.

— Бошингизга ғам-ташвиш тушган кезларда нимадан таскин олдингиз?

— Инсонни ҳар қандай кулфатдан, тушкунликдан меҳнат кутқариб қоларкан. Изтиробларим, армонларимни далаларга сочиб юбордим. Ҳеч кимга чурқ этиб ҳаётимдан нолимадим. Бир ўзим гектар-гектар ерларни чопикдан чиқариб, сугориб кетавердим. Далада қанча кўп юрсам, шунча ўзимни хотиржам ҳис этардим. Ҳатто ҳозир ҳам машинага чиқмай, далагача пиёда юриб бораман. Манзилга етгунча ерлар билан, дархатлар билан гаплашиб, сирлашиб кетаман. Худога шукр, қизим Дилфуза — олти фарзанднинг она-

### ИФТИХОР

си, ўғлим Хайрулло эса тўрт боласининг отаси. Набираларим улғайиб, қанотимга кириб қолишди.

— Бу дунёда нимани кўпроқ қадрлайсиз?

— Меҳрни...

— Нимадан кўпроқ ранжийсиз?

— Лоқайд ва дангасалардан, ношукур бандалардан безорман...

— Патила опа, сизни том маънода “мустақиллик бахт берган инсон” десак арзийди...

— Бўлмасам-чи! Ҳалол меҳнат қилиб яшаган одам ҳеч қачон кам бўлмас экан. Аиниқса, оозод Ватанда қалб кўрингани бериб ишлаганга, яшаганга нима етсин! Қирқ беш йилдан буён даладан. Кўп йиллик меҳнатларим эвазига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони ва «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. 2010 йил эса мен учун жуда баракали ва гоят қувончли келди. Муҳтарам Юртбошимизнинг Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Энди, ишонасизми, ўша йили, қаҳрамон деб номим эълон қилинганида қишлоқда, маҳалламда, оиламизда тўй бўлиб кетди. Хурсандчилигим туфайли кўзларимдан оққан ёшларни айтмайсизми. Мендай бир оддий кишлоқ аёлининг камтарин меҳнатини шундай юксак унвонга лойиқ кўрган Президентимизга мингдан минг раҳматлар айтаман. Токи юрагимда меҳр-муҳаббат, жисму жонимда куч-ғайрат бор экан шу халққа, шу Ватанга хизмат қилавераман.

— Бугун юртимизнинг барча худудларида энг улуг, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами кенг нишонланмоқда. Тилларингизни билдирсангиз.

— Барча ватандошларимни бу улуг байрам билан чин юракдан табриқлайман. Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнаверсин, тинч-осойишталик барқарор бўлсин. Ҳар бир оилага тотувлик ва хотиржамлик, сихат-саломатлик тилайман.

**Нигора АЛИШЕР қизи  
суҳбатлашди.**

**Фаргона вилояти.**

## Бу “Бўстон” саҳнида...

Куни кеча Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги энг сўлим гўшалардан бирида жойлашган “Бўстон” санаторийсида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамга бағишланган бадий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

— Бу анжумани айнан энг улуг ва энг азиз айёмимиз арафасида ўтказаятганлигимиз боиси, бугундан бошлаб бу ерда маънавият ва маърифат маркази очилди, — дейди мазкур санаторий раҳбари Фарида АКБАРОВА. — Энди бу бинода анжуманлар, кеча ва байрам тадбирлари бўлиб ўтади. Буюк истиклолимиз шарофати билан бунёд этилаётган бундай иншоотлар, маънавият масканлари халқимизнинг руҳий дунёсини бойитишга хизмат қилиши табиий.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари федерациясининг курсорлар бошқармасига қарашли “Бўстон” санаторийсида икки юздан кўпроқ юртдошларимиз ўз саломатликларини тиклашмоқда. Қирққа яқин малякали тиббиёт ходимлари мамлакатимизнинг турли худудларидан келган инсон-



ларга беминнат хизмат кўрсатишяпти.

“Бўстон” да асосан юрак, асаб, гинекологик ва урологик, таянч-ҳаракат тизими хасталиклари бўйича даволаниш кенг йўлга қўйилган.

Байрам тадбирида элимизнинг ардоқли санъаткорлари — Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, республика “Нуроний” жамғармаси ва бошқа давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Махсус тайёрланган бадий-муסיқий дастур эса кечага ўзгача файз бағишлади.

## “БЎСТОН” масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*мамлакатимиз аҳлини Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан самимий табриқлайди!*

*Бизга Бош Қомусимизда кафолатлаб қўйилган барча ҳақ-ҳуқуқлар, шарт-шароитлар ҳамда кенг имкониятларни яратиб берган, халқимизга ўз азалий қадриятларини қайтарган, бир сўз билан айтганда, эрк ва саодат баҳшида этган Истиклолимиз абадий бўлсин!*

*Юртдошларимиз сихат-саломатлигини тиклаш йўлида ўз меҳнатимизни аямаймиз.*

*Байрамингиз муборак бўлсин!*




**РЕКЛАМА ЎРНИДА**

# “ШҶРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ” ЖАМОАСИ


**Ўзбекистон халқини  
Ватанимиз мустақиллигининг  
20 йиллик байрами  
билан самимий муборакбод этади!**

*Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган хайрли ва самарали меҳнатимиз энг улуғ, энг азиз байрамга муносиб совғамиздир.*



*Барча юртдошларимизни буюк айём билан чин дилдан қутлар эканмиз, ҳар бир оиллага тинчлик ва хотиржамлик, сihat-саломатлик ва бахту саодат ёр бўлишини тилаймиз.*

*Озод ва обод Ватанимиз тинч-осойишта, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз эса абадий бўлсин!*



*Истиқлол қуёши  
жаннатмонанд  
ўлкамиз бўйлаб  
ўз нурларини  
сочаверсин, азизлар!*

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани  
20-мавзеда жойлашган

**“БЕГИМ-БЕГОЙИМ”**

**ўқув маркази**

**жамоаси**

*Халқимиз қадди ва қадрини  
қўтарган мустақиллигимизнинг*

**20 ЙИЛЛИГИ**

*билан юртимиз аҳлини қўтлайди!*



**Раъно КАРИМОВА,**  
ўқув маркази раҳбари:

— Тадбиркорлик, ишбилармонлик хислати ўзбек аёлининг зуваласида бор, асли. Мустақиллигимиз шарофати билан шундай фазилатларимизни намоён этиш имконига эга бўлдик. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг, энг аввало, оиладаги ўрни ва кадр-қиммати, қолаверса, жамиятдаги нуфузини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, аёлларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Айниқса, “Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик йили”да яратилган имтиёзлар шижоатимизга шижоат қўшди.

Биз ҳам жамоамиз билан ана шундай юксак эътибордан илҳомланиб, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида янги ўқув марказини ташкил этдик. Танлов асосида, ниҳоятда синчковлик билан ишга қабул қилинган тажрибали мураббийларимиз 24 та йўналиш бўйича машгулотлар олиб боришмоқда. Бугунги кунда тикувчилик, мураккаб пишириқлар, қандолатчилик, сартарошлик, массаж-уқалаш курсларимиз кўпчиликда қизиқиш уйғотаяпти. Қизларимизнинг қўли гул, меҳнатлари мўъжиза манбаи эканини кўрган кўзлар қувонади.



**«БЕГИМ-БЕГОЙИМ» ўқув маркази қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:**

Тикиш-бичиш – 3-4 ой,  
Бисер тикиш – 2 ой,  
Юқори дизайнли парда – 2 ой,  
Эркаклар ва аёллар шими – 1 ой,  
Астарли костюм – 2 ой,  
Туй либослари – 2 ой,  
Каштачилик – 2-3 ой, Кўлда тўкиш – 2-3 ой,  
“Ёш оналар мактаби”  
хамширалик курси – 3 ой,  
Массаж – 2 ой,

Косметолог-визажист – 2 ой,  
Маникюр-педикюр – 1 ой,  
Европа услубида соч турмақлаш – 2 ой,  
Қандолатчилик – 2 ой,  
Дунё таомлари – 1 ой,  
Тортларни безатиш – 2 ой,  
Карвинг – 2 ой,  
Рус тили, инглиз тили – 3 ой,  
Компьютер – 2 ой,

Визажист – 1 ой,  
Сунъий гул ясаш – 2 ой,  
Бухгалтерия (0 дан балансгача),  
1С дастури – 5 ой.

Манзил: Тошкент шаҳри  
Чилонзор тумани 20-мавзе.  
Тел.: (+99871) 216-96-04  
Сот: (+99897) 450-08-06

Бугун аёл кишининг сиё-сатчи, раҳбар ёки олима бўлгани, турли русумдаги машиналарни бошқараётгани ёки замонавий техника билан бемалол тиллашаётгани ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ҳозирги тараққиёт асрининг талаби шу-да, асли.

Манғитлик Гулбаҳор опа раҳматли умр йўлдоши, фидойи муҳандис Маҳмуджон аканинг берган доно маслаҳатларига амал қилган ҳолда, қолаверса, мустақиллик шарофати туфайли тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилгани боис хайрли бир ишга қўл урди. Йўловчиларга қулайлик яратиш ниятида

ғимнинг номини қўйдим. Ҳозирги кунда бир ёқда Манғитдан, иккинчи ёқда эса Тошкентдан йўлга чиққан 32 та автобус мунтазам равишда элдошларимнинг узоғини яқин, оғирини энгил қилаяпти. Шунингдек, "Нукус-Манғит" ва туманлараро қатновчи автобуслар ҳам беминнат хизмат кўрсатмоқда. Бекатнинг ўзида автосервис ва ошхона ҳамда меҳмонхонамиз кечаю кундуз ишлаб турибди. Фарзандларим Гўзалой, Шохруҳ, Комрон ва Гулруҳлар ҳам менинг энг яқин кўмакчиларимга айланган.

Биласизми, халқона ибора билан айтганда, бундай



**Гулбаҳор ҚУРБОНБЕКОВА:**

## Бу кунларга етганлар бор...

"Манғит-Тошкент" ҳамда "Тошкент-Манғит" йўналиши бўйича автобуслар қатновини йўлга қўйди.

— Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, — дейди аҳолига транспорт хизмати кўрсатишга ихтисослашган "Гўзалой Маҳмуд қизи" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Гулбаҳор Курбонбекова. — Орзуга айб йўқ, деганлари рост экан. Аввалига хўжайиним билан бу катта режани қандай амалга ошириш йўлларини изладик. Биринчидан, шинам ва кўркам шохбекат қуриш керак эди. Ҳаёт ҳар доим сиз ўйлагандек тепекис кетавермас экан. Кутилмаганда Маҳмуджон ака дунёдан ўтиб қолди. Тўрт фарзандим ҳали ёш эди ўшанда. Дастлаб жуда эзилдим, умидсизликка тушдим. Лекин дўстларим, қариндош-уруғларимнинг далдаси, кўмаги билан ўзимни қўлга олдим ва ишни бошлаб юбордим. Шундай қилиб, қисқа муддат ичида қуриб битказилган бекатга тўнгич фарзандим ва турмуш ўрто-



ёруғ ва саодатли кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шу боис ҳар доим шукрона айтишимиз керак. Мустақилликни ҳам ота-боболаримиз тушларидаям кўрмаган, ахир. Болаларимга, ёшларга уқтираман: «Бундай дорилмомон замонларнинг қадрига етинглар ва, ўз навбатида, озод ва обод Ватанимизга муносиб фарзанд бўлинглар!»

Дарвоқе, Қорақалпоғистон Республикасида хотин-

қизларга яратиб берилаётган имкониятлар, кўрсатилаётган катта ғамхўрликлардан руҳланган қаҳрамонимиз Гулбаҳор Курбонбекова мустақиллигимизнинг 20 йиллик муборак тўйини муносиб совғалар билан кутиб олмоқда. Аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехлари очиб, хусусий тадбиркорлик ишини кенгайтиряпти.

**Авезжон БЕКМУРОВА,**  
«Оила ва жамият»  
мухбири

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Амударё тумани  
Манғит шаҳридаги  
"Гўзалой Маҳмуд қизи"  
масъулияти чекланган  
жамияти жамоаси**

*барча юртдошларимизни  
истиқлолимизнинг  
20 ЙИЛЛИК*

*байрами билан чин кўнгилдан  
табриклайди!*

*Ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик,  
тинч-тотувлик ва  
аҳиллик ҳамиша  
ҳамроҳ бўлсин!*

## РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ЖАМФАРМАСИНИНГ МУБОРАК ТУМАН БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

**ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ  
20 ЙИЛЛИГИ БИЛАН  
барча юртдошларимизни  
қутлайди!**

*Юртимиз ободлиги ва осойишталигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчиларининг бундан кейинги ишларида ҳам омадлар тилаймиз.*

**Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!**





# ХАЛҚ БАНКИ

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ жамоаси

Сиз, азиз юртдошларимизни энг улуғ ва муқаддас айём –  
**ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ**

байрами билан самимий муборакбод этади!

Ушбу файзли кунларда сизларга мустаҳкам соғлиқ,  
фаровон ҳаёт, оилавий бахт, истиқлолимизни  
мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда улкан  
зафарлар тилайди.

## ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



## ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

### АЖАБ ОЛАМ

#### УСТОЗЛАР СИРИ

Шарқ яккакураши усталари ўз шоғирдларига жанг усулларини ипидан игнасиғача ўргатдим деганларида ҳам, айрим махфий усулларни сир сақлаб қолишарди. Бундай одат нафақат уста жангчиларга хос, балки ижод аҳли учун ҳам бегона эмас экан. Уйғониш даври(XIII–XVI асрлар)да шоғирд расомлар ўз устозлари турли рангдаги буюқларни бир-бирига аралаштираётганида кўзларини юмиб туришга мажбур бўлишган. Чунки ҳар бир расом ўзининг шахсий профессионаллик усулига эга бўлмоғи лозим эди.



Тарихнинг ҳайратимизга сабаб бўлгулик ҳодисалари кўп. Яна бир қизиқ маълумот: ўрта асрларда яшаган табибларга аёл беморларни шахсан кўздан кечиришларига рухсат берилмаган. Шунинг учун ҳар бир шифокор ўзи билан аёл киши шаклида, латтадан ясалган кўғирчоқ олиб юришга мажбур бўлган. Беморлар айнан шу кўғирчоқ ёрдамида дард безовта қилаётган тана аъзоларини кўрсатиб беришган.

#### КЎК ТИЛИ КЎППАК

Ер юзидаги барча жонзотлар орасида фақатгина Австралия денгизларида учрайдиган меузасифат баликларнинг қони кўк рангда бўлади. Шу каби хусусиятга эга яна бир жонивор Хитойда яшайди. Чау-чау лакабли (зотли деса ҳам бўлади) бу жонивор тўқ кўк рангли тилга эга ягона кўппакдир. Хитойликларнинг айтишларича, у осмонни ялаган эмиш. Қолган барча зотли итларнинг тиллари одатда пушти рангда бўлади. Чау-чаудан ташқари шарпей зотли итлар ва қутб айғиғи ҳам тилининг ранги ноанъанавий бўлган жониворлар сирасига киради.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.



— Тошкент шаҳриданман. Исми Робия. **Ёшим 43 да.** Фарзандим йўқ. Маълумотим ўрта махсус. Ота-онамнинг раъйига қараб, Муродга турмушга чиққандим. У ёлғиз ўғил эди. Қайнонам чўрткесар, юзингда кўзинг борми демайди-ганлар хилидан экан. Ўзининг айтишига қараганда, шу феъли сабаб оиласидан ажрашиб кетган. Кўп ўтмай мени ҳам ёқтирмай қолди. Бажарган юмушимдан камчилик ахтарарсди. Ўғлига ёмонлайдиган бўлди.

— **Эрингиз ҳам онасининг феълени билармиди?**

— Мурод кўпроқ бувиси билан яшаган. Шу боис қайнонам унинг олдида ўзини ниҳоятда меҳрибон она қиёфасида кўрсатишга ҳаракат қиларди. Мен аса она-боланинг ўртасига совуқчилик тушишини истамасдим. Қайнонамнинг гапига ишониб, эрим менга қўл кўтарадиган одат чиқарди. Бундан ота-онам хабар топгач, мени уйимизга қайтариб олиб келишди. Оилам бузилди. Қонуний ажрашдик. Ўзим ҳам ёшлиқ қилганман-да...

— **Бу воқеага неча йил бўлди? Қайта турмуш қурмадингизми?**

— Йўқ. Йигирма уч йил бўлди. Онаизорим "Кўзим очик-

лигида турмуш кургин", деб ҳеч ҳоли-жонимга қўймайди. Уйлаб-уйлаб тахририятга, сизларга мурожаат қилаяпман.

— **Бўлажак турмуш ўртоғингиз қаерлик бўлишини истайсиз?**

— Тошкентлик бўлсин. Ўзи ёлғиз яшайдиган, 50 ёшгача бўлган, инсофли, иши тайин, уй-жойли инсон билан мустаҳкам турмуш қурмоқчиман.

— Қашқадарёликмиз. Тўнғич ўғлимнинг ташвиши билан келдим. Исми Нодир. **Ёши 31 да.** Маълумоти ўрта-масус. Бир нечта хунари бор. Жуда камтарин, меҳнаткаш йигит. Лекин оиладан омади келмади, — дея гап бошлади ўзини Ҳурматою хола дея таништирган аёл.

— **Ўғлингиз шунчалик яхши экан, нега ажрашди?**

— Э, нимасини айтмай? Нодир бир амалдорнинг уйида устачилик қилганди. Ўша хонадоннинг қизи билан ахдлашиб, унга уйланаман, деб оёқ тираб туриб олди. Иложим қанча, отаси қаза

қилгач, укаларига бош бўлган боламнинг раъйига қарадим. Ҳозир бундан жуда афсусдаман. Келиним Сайёра онаси билан тил бириктириб, номини оқлаш учун ўғлимни танлаган экан. Бечора боламнинг тақдирини, ҳаётини барбод қилишди.

— **Улар қанча пайт яшашди?**

— Олти ой ҳам яшашмади. Иккита институтни тугатган, қаймоқдай оппоққина қиз ўғлимни танлаганига яқинларим ҳам хайрон эди. Укам "Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади, жиянимнинг омади чопиб, бошига бахт қуши кўниб турибди, йўқ деманг", деб ҳоли-жонимга қўймаганди. Сайёра биз билан ҳисоблашмай судга ариза бериб, қонуний ажрашди-қўйди. Тенг-тенги билан деганларидек, ўғлимга мос оддий оилада тарбия топган қизни излаб келдим.

Ўғлим саккиз йилдан буён Тошкент шаҳрида ишлаяпти. Қашқадарёга яқинроқ вилоятлардан бўлган, камтарин, меҳрибон, оқ кўнгли қиз бўлса, келин қилардим.

— Андижон вилоятиданман. **Ёшим 32 да.** Турмушга чиқмаганман. Маълумотим олий. Икки ёшимда нотўғри эмлаш натижасида соғлигим ёмонлашиб, бир йил давомида узлуксиз даволатишган. Лекин хасталикнинг асоратлари қолди. Чап кўлим ўнг кўлимга нисбатан бироз қувватсизланган... — енгини шимариб, "шуниси", дейди ўзини Чарос деб таништирган, юз-кўзидан меҳр нури ёғилиб турган, хушрўйгина қиз.

— **Сезилмаяпти-ку, иккала кўлингиз баравардай ёки нимадир кўтарганингизда оғрийдими?**

— Йўқ, оғриймайди. Уй юмуш-

ларини кўпроқ ўнг кўлим билан бажаришга одатланиб қолганман. Овқат пиширганда, кир ювганда, нон ёпганда, Оллоғха шукр, ҳеч қийналмайман. Мен ҳам турмушга чиқиб, оилам, фарзандларим бўлишини истайман. Инсоннинг ёшига ёш қўшилган сайин танлагиси келиб, танла-ниш имконияти камайиб бораркан. На илож, вақт — оқар сув, дея бежиз айтишмаган.

— **Қандай йигитга турмушга чиқмоқчисиз?**

— Тақдири ўзимникига ўхшаш (бирор жойида нуқсонни бўлса ҳам майли), Андижон, Фаргона, Наманган ёки Тошкент шаҳрида яшайдиган, 40 ёшгача бўлган инсон билан тақдирини боғласам, дейман. Албатта, ориятли, меҳр-оқибатли, яқинларини қадрлайдиган, уй-жойи бор, иши тайин киши бўлишини истайман.

#### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевоқифа мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.


МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234–25–46

Козим Умрзоков — 1991 йил 23 ноябрда Фарғона вилояти Кува туманида туғилган. Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти тасвирий санъат факультетининг дастгоҳли ранг-тасвир йўналиши 4-босқич талабаси. Бир қанча кўргазмалар катнашчиси.

— Козимжон, ҳар бир бола эсини таний бошлагач, қўлига қоғоз-қалам олиб, ўз тасавуридаги борлиқни чиқишга уринади, бу дунёни ўзи севган рангларда кўргиси келади. Сизчи, рангтавир дунёсига неча ёшдан ошно бўлгансиз?

— Ўн ёшимгача рассом бўламан, деб ўйлаб кўрмаганман. Ўзимча майда-чуйда мавзуларни қоралаб юрардим. Бир куни бобом — Каримжон Умрзоқовнинг "Сен рассом бўлишинг керак, менинг суратимни чизасан", деганлари ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Чунки ўзлари ҳам бир замонлар яхшигина расм чизган бўлса-лар-да, шароит тақозоси туфайли бу соҳа билан жиддий шугулланмаган. Балки, ким билади, ушалмаган орсуниси мен рўёбга чиқаришимни астойдил истаган-дир. Эсимда, ҳаммага мақтаниб: "Менинг неварам насиб этса, зўр рассом бўла-

аста кўника бошладим. Менга омад келтирган ва бошловчи ижодкор сифатидаги мустақил асарим диплом ишим бўлган. Мени кўп йиллардан бери Орол муаммоси қўйнаб келарди. Ҳар гал телевидение орқали шу мавзуга бағишланган кўрсатув намойиш этилса, кўнглим алла-



## "Оқ кема" эзгуликка етаклайди

ди", дердилар. Хуллас, ўн-ўн бир ёшимда биринчи чизган суратим бобомнинг портрети бўлди. Тўғриси, унчалик яхши чиқмаган-у, лекин у киши жудаям хурсанд бўлиб, чин дилдан дуо қилиб, мақтаган ва кўп ўтмай мени туманимиздаги 2-мактаб қошидаги тўғараққа олиб борганлар. Биринчи устозим Валентин Михайловичдан тасвирий санъатнинг илк кўникмаларини ўргандим. 2004 йили 8-синфдан ўқишни пойтахтимиздаги тасвирий ва амалий санъат лицейида давом эттирдим.

— Эшитишимизча, сиз Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига имтиёзли, яъни имтихонсиз қабул қилинган экансиз. Бунга қандай эришгансиз?

— Фарғонадан келиб, марказдаги нуфузли даргоҳда ўқиб, мослашиб кетишим бироз қийинроқ кечган. Чунки мен у ёқда профессионал рассомлик билан шугулланмаганман. Планшет тортиб ишлашни, турли ранглардан фойдаланишни билмасдим. Бу ердаги синфдошларим эса биринчи синфдан олакали устозлар қўлида сабоқ олишган. Бир йилча қийналиб, ўз устимда ишлагач, секин-

нечку бўлар, оғир экологик муҳитда яшаётган тенгдошларим кўз ўнгимда гавдаланарди. Шу боис битирув диплом ишимни Орол мавзусига бағишлаш хусусида устозим Нодир Имомов билан маслаҳатлашдим. Бу фикримни у киши тўла қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, "Оқ кема" асари устида жиддий иш бошладим. Ишонасизми, шу мавзуга оид юздан зиёд эскизлар чиздим. Ниҳоят, ишимни топширдим ва у мутахассислар томонидан яхши баҳоланди. Эскизларимдан бирини кўргазмага ташир буюрган австралиялик меҳмонларга такдим этдим, уларга ёқибди, шекилли, лицейимизга келиб мен чизган барча ишларни кўришди ҳамда ўкув масканимизга ўз грантларини ажратишди. 2008 йили республика миқёсида ўтказиладиган "Ёш рассомлар" танловида "Оқ кема" асарим билан қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгалладим ва олий даргоҳга имтихонсиз қабул қилиндим.

— Келинг, сизга омад келтирган ана шу асарингизнинг мазмун-моҳияти ҳақида қисқача гапирсангиз.

— ... кенг дала. Атрофда қумларга кўмилиб ётган кемалар. Бир кампир чан-

## МЕН — 20 ЁШДАМАН!

қовуз чалиб ўтирибди. Ўртада эса кичкина ирмоққа қизча қоғоздан ясалган кайикчани оқизаяпти. Улардан нарироқда укасини орқасига опичлаб олган болакай узоқларга термулиб қараб турибди... Бунга ҳамма ҳар хил талқин этиши мумкин. Кампирнинг мусиқа чалаётгани — шундай мушкул ҳолатда ҳам тушунлиққа тушмагани, қизчанинг сувга қараб тургани — қачонлардир бу ерларда ҳам кемалар сузиб юргани, сувнинг сероб бўлгани, узоқларга термулиб турган йигит эса Оролнинг яна аввалгидай тўлишига ишонч ўлганини аңглатади. Орқасига опичиб олган болакай ҳаётнинг давом этаётганидан дарак бериб турибди. Осмонда учиб юрган чағалайлар эса қаерлардадир сув борлигини билдиради.

— Онангизнинг расмларини ҳам чизгансиз?

— Институтнинг биринчи курсида таҳсил олаётганимда чизганман. Билмадим, қай даражада акс эттирдим, лекин ишим у кишига маъқул бўлган. Қайси она ўз фарзандининг ижодидан кўнгли тўлмайди, дейсиз.

— Оила аъзоларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Отам Олимжон ака тадбиркор, онам Ҳамидаҳон опа эса ўқитувчи. Аммо бошқа соҳа вакиллари бўлишса-да, иккаласи ҳам санъатни жуда яхши тушунади, қадрига етади. Айниқса, бобом доим мени назорат қилиб, берилган вазифаларни вақтида бажаришга даъват қилиб туради. Ўн икки ёшли укам Сардоржон ҳам хозирданоқ расм чизишни машқ қилаяпти.

— Сиз бир ижодкор, рассом сифатида ватанпарварлик туйғусини қандай тушунасиз?

— Бизнинг авлод-аждодларимиз шу тупроқда яшаб ўтган. Демак, шу замин, шу Ватаннинг ҳар бир қарич ери, бетакор табиати, йил сайин гўзаллашиб бораётган шаҳар-кишлоқлари, меҳр-оқибатли одамлари, бир сўз билан айтганда, жаннатмонанд Ўзбекистон биз учун гоят қадри ва муқаддас. Биз ижодкорлар ҳам ўзимизнинг ижод намуналаримиз, иқтидоримиз, салоҳиятимиз билан юртимиз довуғини дунёга дoston қилмоқ учун ҳар қанча ёниб, жўшиб ишласак арзийди.

"Оила ва жамият" мухбири Шайхноза РОФИЕВА сўхбатлашди.

## СПОРТ СПОРТ

### Ришодда олтин, Наврўзбекда бронза

Франция пойтахти Париж шаҳрида давом этаётган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатининг дастлабки кунинда Ришод Собиров олтин медални қўлга киритиб, муҳлислари хушнуд этган бўлса, мусобақанинг иккинчи кунин Наврўзбек Жўрақобиллов терма жамоамиз ваънасига бронза медал қўшди.



Наврўзбек Жўрақобиллов бронза медал учун баҳсларда белгиялик Дирк Ван Тишелдт ва 2010 йилги жаҳон чемпиони — япониялик Хироюки Акимото устидан зафар кучиб, жаҳон чемпионати шохсупасининг учинчи поғонасига кўтарилди. Шунингдек, дзюдочимиз хисобига келса йили Лондонда бўладиган Олимпия ўйинлари йўлланмасини берадиган муҳим рейтинг очколари ҳам ёзилди.

Жаҳон чемпионатида олтин ва бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси бир юз ўттиздан зиёд мамлакат ўртаста иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

## Темур совриндорлар сафида

Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Темур Гареев АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ўтказилган "First Metropolitan International" халқаро турнирини мағлубиятсиз якунлаб, совриндорлар қаторидан жой олди.

Нуфузли мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан 86 нафар шахмат устаси голиблик учун дона сурди. 23 ёшли шахматчимиз Темур Гареев турнир давомида америкалик Алекс Черняк, Майкл Ли, Варушан Аюпян, нидерландиялик Люк Ван Велини мағлубиятга учратди, арманистонлик Андраник Маткозян, қозғистонлик Жонибек Омонов, британиялик Майкл Адамс, туркманистонлик Месген Аманов ҳамда венгриялик Роберт Рук билан дуранг ўйнади.

Халқаро турнир якунига қўра, 6,5 тадан очко жамгарган Темур Гареев ва нидерландиялик Люк Ван Вели иккинчи ўриндан жой олди. Биринчи поғона 7,5 очкога эга олган Майкл Адамсга насиб этди.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Қадрдоним Ёқубжон Қурбонов!

Сиз мустақиллик кунидек қутлуғ айёмда туғилгансиз. Улуғ саналарда таваллуд топганлар бахтли, омадли бўлади. Туғилган кунингиз билан чин дилдан қутлайман!

Ҳурмат билан Номоз САЪДУЛЛАЕВ!

Ҳурматли Нодираҳон Бобоқулова!

Мехри тўла меҳрибон онам,  
Кухба турар хафта бўлса ҳам,  
Азобларга чидаган онам,  
Болаларин ўйлаган онам.  
Кўзларингиз ёшларга тўлади,  
Тунларингиз беором бўлди,  
Азобларга бардош бердингиз,  
Мени ўйлаб кўз ёш тўқдингиз.

Фарзандингиз Дилшода,  
қуда бобонгиз Муса АХМЕДОВ,

Самарқанд шаҳри.

## РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қунидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шмиди, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиб, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезагор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой, Нуктали — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Пишириқлар олий курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макъж — 1 ой.  
Бухгалтерия хисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиши олий курси — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).  
Тикувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой.  
Рус тили — 3 ой.

Бисер, яъни муноққ тикиш — 2 ой.  
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой.  
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан  
Етоҳона мавжуд.

Ўқини тугатганларга  
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъра 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехон бозори бош томони орқасида.  
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ  
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.  
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 237-21-82  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 828. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7947. Баҳоси келишилган нарҳда. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ Мусаҳхиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5